

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDA ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ISLOM MADANIYATI MARKAZINI TASHKIL ETISH CHORA-TADBIRLARI TUG'RSIDA

Ўз миллий тарихи ва маданиятига, дунёда энг катта бойлик бўлган интеллектуал ва маънавий салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш ва бойитиш, шу асосда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жаҳондаги ҳар бир давлат ва жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Шу борада дунё тарихида илк Шарқ Уйғониш даври – Мусулмон Ренессанси деб ном олган ўрта асрлар ва ундан кейинги замонларда бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган. Хусусан, IX-XI асрларда Хоразмда ташкил этилган Маъмур академияси ва "Байт ул-ҳикма", яъни "Донишмандлик уйи" деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясида, XV асрда Самарқандда шаклланиган Мирзо Улугбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган олимлар, ўтмишда юртимизда ислом динининг мазмун-моҳиятини чуқур тадқиқ қилиш ва тарғиб этиш бўйича бетақдор асарлар яратган уламолар бутун дунёга донг таратганлар.

Ўрта асрларнинг илк даврида улуг аждодларимиз томонидан математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ фанлар билан бирга, тарих, география, фалсафа, маданият ва санъат, архитектура соҳаларида яратилган буюк илмий

ғоя ва кашфиётлар жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига кескин бурилиш ясади.

Ўз давридаги барча қийинчилик ва оғир синовларга қарамасдан, бу аллома ва мутафаккирлар илму фан раънақи йўлидаги ўз бурчига, гуманизм ва маърифат ғояларига ҳамisha содиқ қолиб, ҳақиқий маънавий жасорат намунасини кўрсатдилар ва уларнинг ҳалқимиз ва башарият олдидagi буюк хизматлари, айниқса, мустақиллик йилларида муносиб ҳурмат ва эътибор топиб келмоқда.

Улуг аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни хайратга солиб келаятган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустақам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Айни вақтда таъкидлаш лозимки, ана шу бетақдор илмий мероснинг барча қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Биргина мамлакатимиз китоб фондларида сақланаётган, асосий қисми ЮНЕСКОнинг маданий мерос рўйхатида қиритилган 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар ҳам шундан далолат беради.

Ҳалқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ана шундай ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама

чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳонга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакиллари томонидан билдирилган таклифларни инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги Ўзбекистондаги Ислам маданияти маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: мамлакатимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, ислом маданияти марказларида бири бўлиб келганини акс эттира-

диган илмий-тарихий концепцияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Марказ таркибидаги кутубхона ва архив, қўлёзмалар фондларини бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар, улар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атикалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, китоб ва тўпламлар, видео ва фото ҳужжатлар ҳисобидан шакллантириш;

Марказ таркибидаги музей экспозициясининг мавзу йўналишларини чуқур ўйланган, илмий асосланган аниқ режа бўйича шакллантириш ва уни энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида намойиш этиш;

ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз – Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Муин Насафий, Кафол Шоший, Абдуллоҳиқ Фихривоний, Наҳиддин Кубро, Бурхониддин Марғинойий, Баҳауддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, уларнинг илмий-маънавий жасорати, улуг инсоний фазилатларини кенг тарғиб қилиш;

Давоми 2-бетда. ➡

Муносабат

Қўндалик нашрларда, телевидение ва радиода бугун "Ҳалқимизнинг кайфияти" деган жумла энг қўп истифода этилаётгани бежиз эмас. Бинобарин, давлатимиз раҳбари ҳар чиқишда, аҳоли билан мулоқотларда ҳам, даставвал одамларнинг қалбини ўқийдиган, кайфиятини давлатнинг олий режа-мақсадлари билан уйғунлигини салмоқлаб қўришга интилоқда. Президентимизнинг жойларга ташрифи, суҳбатларида эътибор қилсангиз, ўта муҳим, Ватан раънақини таъминловчи жабҳа – ижтимоий иқлимни тараққиётнинг жорий маромига уйғунлаштириш жараёнида шахсан ўзи бошчилик қилаётганини аниқлаш.

ҒАФЛАТДАН ЙИРОҚ БЎЛ,
ЭЙ, УМРИ АЗИЗ...

Бу нимадан дарак?

Аввало, мамлакатимизда ўта самарали ва халқчил бошқарув шаклланимоқда. Давлат аппаратидаги барча соҳалари фаолияти халқ учун мақбул, фойдаланишга қўлай институтга айлантирилмоқда. Мулоқотларнинг ҳозирги тартибда фуқароларнинг ўзи бошқарув жараёнининг назоратчиси, баҳоловчиси бўлаётди.

Маълумки, бундай инсонпарвар тизим ҳақида кўп ва ҳўп гапирилган. Аммо, амалда тизим аниқ эзгу истакка ҳадеганда мувофиқлашавермади. Натижада, қорозда тизим ва тузум ҳақида ҳар қанча "урра-урра"чилик қилинган билан, амалда вазият қўнғилдагидек эмасди. Вазиятга янгича ёндашув эҳтиёжи етилиб келаятган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқимиз қўнғилда ажиб бир орзиқиш, ҳавас ва хайрат уйғотаётган ишчанлиги, меҳнатсеварлиги, мулоқот маданияти бугун, баралла айтиш мумкинки, тилларда достонга айланмоқда. Камини ушбу сатрларни қоралаб, шинам хонада тафаккур соатларини ўтқариб турган айни паллада давлатимиз раҳбари Фарғонада бўлиб турибди. Ойнаи жаҳон, ахборот сайтлари орқали давомли узатилаётган хабарларда айтаётганидек, ташрифининг илк соатларида, Президент ўзига хос ўша ишчанлик, ҳар бир масаланинг туб моҳиятига етиб бориш каби хислатларини яна бир бор намоён қилиб, ўнлаб объектларда бўлди. Гоҳ оддий одамлар билан дилқас суҳбатлар қурса, кейин фан ва амалиёт мустақамлиги ҳақида олимлар билан мулоқотга киришгани маълум қилинади, сал ўтмай, янги хабар пайдо бўлади: "Президент поездада Қўқон шахрига етиб келди ва темир йўл инфратузилмаси ҳақида суҳбат ўтказди..."

Очигини айтганда, бундай жадаллик, ислохлар моҳиятини аҳолининг барча қатламига тезкор сингдириш бора-бора Президентнинг сарай-ҳарақатлари барча фуқаролик жамияти институтини вакиллари учун ўзига хос ўрнак, ибрат мактабидир, десак янглишмаймиз.

Эътибор беринг, шу кунларда ҳар бир юрtdошимиз кеч соат тўққизга яқинлашганда "Ахборот"ни қўришга ошқаяпти. Одамлар тилида айланаётган гапларни таҳминан биласиз: "Ҳой, қаранг, Президентимиз ичимиздагини топиб айтиди, гап деган мана бундоқ бўлибди, оғайни..."

Беход ҚОБУЛОВ.

АХБОРОТ

2017 йил 22 июнь кўни соат 10:20 да Қозғистон Республикаси Оқўба вилоятининг Айтекеби туманидаги Қорабутақ посёлқасидан 20 километр масофада Самара – Чимкент автомобиль йўлининг 946-километрида Волгоград (Россия) – Чимкент (Қозғистон) йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган икки қаватли "Мерседес" русумли йўловчи автобуси (давлат рақами Н 011 ЛММ) ағдарилиб кетган. Автобусда жами 52 киши – 50 нафар Ўзбекистон фуқароси ва 2 нафар Қозғистон фуқароси бўлган.

Ушбу йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 9 киши (барчаси Ўзбекистон фуқароси) ҳалок бўлган, 18 киши жароҳат олган (17 нафари Ўзбекистон фуқароси, уларнинг 5 нафари Оқўба вилоятининг Айтекеби тумани марказий шифохонасига ётқизилган).

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги жабрланганларнинг аҳоли ва ушбу ҳодиса билан боғлиқ бошқа масалалар ҳақида маълумот олиш учун бевоқифа телефон алоқаси ташкил қилди. Ҳалок бўлганларнинг жасадини Ўзбекистон Республикасида олиб келиш учун Оқўба шахрига махсус самолёт юборилган.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Ў.А.

КЕЛАЖАКНИНГ НУРЛИ ОСТОНАСИДА

Янгийўл туманидаги мавжуд академик лицей ва касб-хунар коллежларини бу йил 3 минг 150 нафар йигит-қиз тамомлади. Айни кунда ҳудуддаги ўқув муассасалари масъуллигида уларни ишга жойлаш ва таълимнинг кейинги босқичига йўналтиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилаетир.

Оқ йўл, битирувчилар!

Кўни кеча транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида бўлиб ўтган диплом топириш маросимиди сўз олган вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Ботир Аҳмедов ва бошқалар айни кунда тизимда олиб борилаётган ишлар, янгиликлар ҳақида фикр юритиб, битирувчиларнинг кейинги фаолиятига омад тилади.

Фанлар бўйича турли тўғарақлар ташкил этилган, спорт билан мунтазам шуғулланиш учун етарлича шарт-шароит яратилган мазкур даргоҳ-

да ўқишни 196 нафар ўқувчи тамомламоқда. Коллеж директори Мазруф Калонхоновнинг айтишича, шу кунгача уларнинг юз нафардан зиёди ишлаб чиқариш, таълим, тиббиёт каби соҳалар, электр энергия ва табиий газ таъминоти корхоналарига ишга жойлашган.

Мисол учун, битирувчи қизларнинг олти нафари ўзлари амалиёт ўтаган, Шўралолиси қишлоғидаги "Casual style" корхонасида эрта-индин тикувчи бўлиб иш бошлайди.

– Коллежимиз маъму-



рияти ҳамда давлатимиз томонидан берилётган алоҳида эътибордан руҳланмоқдамиз. Бу бизга хотиржамлик бахш этиш баробарида катта масъулият ҳам юклайди, – дейди улардан бири Гулнора Абдуманнопова.

Таъкидлаш жоиз, Янгийўл транспорт ва хизмат кўрсатиш коллежини

– Мақсадим – ушбу имтиёздан самарали фойдаланиб, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кириш ва етук мутахассис бўлиш, – дейди у.

Ҳолмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Азамат АХМЕДОВ
олган сурат.

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кўни

ҲОКИМ ҚАРОРИНИНГ «НАРХИ» ҚАНЧА?

Вилоятда 1 ҳафтада 72 та жиноят содир этилган ва 65 таси фoш этилган. Улар орасида қасддан баданга оғир шикаст етказиш, автотранспорт воситасини олиб қочиш, ўғрилик, фирибгарлик, гиёҳвандлик ва бошқа турдаги жиноятлар бор. Ҳафта давомида қидирувда юрган 27 нафар шахс ушланди, илгари содир этилиб, очилмаган 10 та жиноят фoш этилиб.

Бу маълумот вилоят ички ишлар бошқармасида ўтказилган навбатдаги брифингда айтилди. Мисолларга юзланамиз. Ярим тун – таҳминан соат 01-30 ларда Чиноз тумани Яллама қишлоғида яшовчи 1993 йилда туғилган фуқаро Д. М. таниши Ф. Р. билан олдидан жиноий тил бириктириб, ўзганини мол-мулкни талон-торож қилишни кўзлашди. Ўзлари ишлаб турган "Чиноз пахта тозалаш" хиссдорлик жамияти биносига орқа девордан ошиб тушиб, цехдаги 9 миллион 315 минг сўмлик техника воситаларини ўғрилаб кетишди. Мазкур ҳолат бўйича жиноят

иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Вилоят ИИБ масъул ходими Бунёд Давроновнинг айтишича, ҳафта давомида паспорт-виза қондаларини бузган 1 минг 64 нафар, ноқонуний яшашга шароит яратиб берган 28 та хонадон эгалари, жамоат жойида спиртли ичимлик истеъмол қилган 345 киши, майда безорилик содир этган 108 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилган. Майда безорилик қилган 12 шахс маъмурий қамоққа олинди.

– Аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот

ишлари, ОАВда мунтазам чиқишлар ўтказилишга қарамай, афсуски, жиноятлар содир бўлмоқда, – дейди вилоят ИИБ матбуот хизмати раҳбари Нуриддин Абдуллаев. – Фуқаролар жиноятга жазо муқаррар эканлигини аниқлаб етишлари керак.

Энг ёмони, жиноятчи фирибгарларнинг одамлар ишончидан фойдаланиб, уларни чув туширишдир. 1984 йилда Оққўрғон туманида туғилган Н. Х. фуқароларнинг ишончига кириб, уларнинг пулларини ўз нафси йўлида ишлатиб юборган.

У "Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати" давлат корхонаси Оққўр-

ғон тумани ҳудудий бўлимида ишлаган вақтида фуқаро Г. Хотамова Аччи қишлоғи "Қирғули" маҳалласидаги 0,18 гектар ер майдонини сотиб олиб, кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ҳаракатида юрганлигидан хабар топади. Ердан фойдаланиш мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ҳужжат ҳамда ушбу майдонни шахсий мулк сифатида тан олиш тўғрисида туман ҳокимининг қарорини чиқариб беришни ваъ-

2017 йилнинг иккинчи ярми учун

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда»

газеталарига обуна давом этмоқда!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қўшчи каби олим ва мутафаккирлар меросининг тарихий ва замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Камолдин Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб сингари мумтоз адабиёт ва санъат намояندалари ижодининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш;

ислом дини одамларни, барча миллат ва халқларни ҳаммаша нури ҳаётга, эзгулик, ўзаро дўстлик ва инсонийликка даъват этишини, унинг асл, гуманистик мазмунини теран таҳлил этишга қаратилган илмий тадқиқотлар, жаҳон аҳлини бир мақсад йўлида – жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш йўлида бирлашишга қаратилган турли анжуманлар, маърифий тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданияти, давлатчилиги анъаналари, халқимизнинг турмуш тарзи ва дунёқараши ислом цивилизацияси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиб, ривожланганини Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Кеш, Насаф, Термиз, Андижон, Марғилон, Кармана, Қўқон сингари қадимий шаҳарларимиз, улуг алломалар ва азиз-авлиёлар хотирасига бағишлаб юртимизда бунёд этилган ёдгорлик мажмуалари, муқаддас қадим-жолар макетлари, улуг сиймолар, ноёб қўлёзма ва тобосма асарлар, моддий ва номоддий мерос, хусусан, "Шашмақом" намуналари каби ноёб экспонатлар орқали акс эттириш, шу йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижалари асосида қомуслар, каталог ва альбомлар, илмий-оммабоп тўпламлар, телекурса-тўв, фильм ва бошқа материаллар тайёрлаш;

Марказда, маҳаллий ва чет эллик мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда, илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш ва уларнинг натижаларидан юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигини хабардор қилиб бориш;

Европа Ренессансининг шаклланишига қўли таъсир қўйган Мусулмон Ренессанси даврида илм-фан, маданият ва санъат, меъморлик ривож тўғрисидаги кенг қамровли маълумотлар павильонларини ташкил этиш орқали Марказда намойиш этиладиган экспозицияларни мазкур даврларга оид экспонат ва кўргазмалар манбалари билан бойитиш;

жаҳон тарихида "Амир Темура ва тему-
Бошлонғич 1-бета.

рийлар ренессанси" деган ном билан алоҳида ўрин эгаллайдиган даврда яратилган илм-фан, маданият ва меъморлик дурдоналарини ислом маданиятининг нафақат юртимиздаги, балки бутун мусулмон оламидаги тараққиёт ва юксалиш даври сифатида кўрсатиш;

бугунги кунда тобора катта аҳамият касб этаётган динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни самарали йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислам маданияти марказининг жаҳондаги нуфузи халқаро илмий муассаса ва тузилмалар, жумладан, ЮНЕСКО, АЙСЕКО каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислам маданияти марказининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Марказ директори, зарур ҳолларда, Марказнинг ташкилий тузилмасига ҳодимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича вазийлик кенгашининг таркиби 2-иловага биноан тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки: Марказ директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича вазийлик кенгаши Марказ фаолиятини мувофиқлашти-
ради, унга юртимизда вазифаларни амалга оширишда қўмаклашади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда: Ўзбекистондаги Ислам маданияти марказининг уставини тасдиқласин;

Марказнинг маъмурий ва асосий биноларини (кейинги ўринларда – объект деб аталади), унинг тарихидаги кутубхона ва музейни ҳисобга олган ҳолда, Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мажмуасига ёндош ҳудудда қуриш, унинг зарур моддий-техник базаси ва инфратузилмаларини барпо этиш ҳамда ривожлантириш лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш, Марказ фаолиятига юқори малакали мутахассисларни жалб этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорини тасдиқласин.

Қарорда қуйидаги вазифалар белгила-
ниш назарда тутилсин: объектнинг қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишларида қўлланадиган ҳамда пудрат

ташкilotи ва буюртмачи томонидан олиб келинадиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳозларни ўрнатишга тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этиш;

мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган ва чет элдан келтириладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳозларни бош пудратчининг омор майдонларида (ИМ-74) (божхона омор) божхона режимида жойлаштиришга рухсат бериш;

Марказнинг илмий-тарихий концепция-сини ишлаб чиқиш, унинг музей ва кутубхонаси фаолиятини ва фондларини шакллантириш, экспозицияларини ташкил қилиш тартибларини белгилаш;

Илмий-тарихий концепцияни ишлаб чиқишга хорижий мутахассисларни жалб этиш ва бу борадаги илгор чет эл тажрибасини ўрганиш.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги: объект қурилиши учун танланган ер майдонидagi тураржой бинолари ва бошқа иншоотларни белгиланган тартибда бузиб олиш ва қўчириш ишларини икки ой муддатда амалга оширсин;

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш-монтаж ишларини белги-
ланган муддатларда амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин;

"Давархитектқурилиш" қўмитаси ва "Ер-геодекадастр" давлат қўмитаси билан бир-
галикда объект қурилиши учун тегишли ер майдони ажратилишини икки ҳафта муд-
датда таъминласин;

8. "Давархитектқурилиш" қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказили-
шини ва қурилиш-монтаж ишларини бел-
гиланган муддатларда амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иш-
лар вазирлиги:

Марказга маданий-гуманитар соҳадаги нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда хори-
жий мамлакатлардаги мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган муассасалар билан

илмий ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожланти-
ришда амалий ёрдам берсин;

Марказнинг муҳожаати биноан Мар-
казни ташкил этиш, унинг фаолиятини ри-
вожлантириш ҳамда келгусида ўтказиладиган тадбирларда (конференция, симпози-
ум, форум ва бошқалар) иштирок этади-
ган хорижий мутахассисларга визаларнинг консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмас-
дан расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички иш-
лар вазирлиги Марказ томонидан берила-
диган буюртманомаларга биноан Марказ-
ни ташкил этиш, унинг фаолиятини ривож-
лантириш ҳамда ушбу муассаса томони-
дан келгусида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этадиган тегишли хорижий мута-
хассисларга қўп марталик визалар бери-
лиши ва уларнинг муддати узайтирилиши-
ни, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Рес-
публикасида вақтинча пропискадан ўткази-
лиши ва унинг муддати узайтирилишини давлат бож ундиришдан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия ва-
зирлиги бир ой муддатда Марказнинг штат
жадвалини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

12. Қуйидагилар Марказни молиялашти-
риш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюд-
жети маблағлари;

Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо дав-
латлардан тушадиган ихтиёрий бадаллар;
Ўзбекистон Республикаси ва хорижий
мамлакатлар жисмоний ва юридик шахс-
ларининг ҳомийлик хайрия маблағлари;

муайян лойиҳа ва грантлардан ажратил-
ган маблағлар.

13. Марказнинг маъмурий ва асосий
биноларини қуриш, унинг моддий-техник
базасини мустаҳкамлаш борасидаги иш-
лар машур ватандошимиз, россиялик тад-
биркор Алишер Усмоновнинг ҳомийлик
хайрия маблағлари ҳисобидан амалга
оширилиши инobatга олинсин.

14. Маҳаллий ва хорижий юридик ҳамда
жисмоний шахсларнинг Марказни ташкил
этиш ва унинг моддий-техник базасини
мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳомийлик
хайрия маблағлари даромад солигидан
озод қилинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президен-
тининг 2017 йил 6 апрелдаги Ф-4891-сон-
ли фармойиши асосида ташкил этилган
Товарлар (ишлар, хизматлар) импорти ҳаж-
мини ва таркибини танқидий таҳлил қилиш,
импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни
ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни
чўқурлаштириш бўйича Комиссия билан
келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тас-
диқланган рўйхат асосида бош пудрат-
чи томонидан Марказ учун олиб келинади-
ган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чи-
қарилмайдиган қурилиш материаллари,
асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, ме-
беллар, инвентарь ва жиҳозлар 2022 йил 1
январга қадар божхона тўловларидан (бож-
хона йиғимларидан ташқари) озод қилин-
син.

16. Ўзбекистон Республикасининг Инвес-
тициялар бўйича давлат қўмитаси мазкур
объект қурилиши доирасида қурилиш ма-
териаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи
буюмлар, мебеллар, инвентарь ва жиҳоз-
ларни сотиб олиш бўйича шартномаларни
ўн кун муддатда экспертизадан ўтказсин.

17. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК Мар-
каз буюртманомаларига биноан Марказни
ташкил этиш, унинг фаолиятини ривожлан-
тириш ҳамда ушбу муассаса томонидан
келгусида ўтказиладиган тадбирларда иш-
тирок этадиган юқори мартабали меҳмон-
ларга Ислам Каримов номидаги Тошкент
халқаро аэропортининг VIP зали орқали
беғул хизмат кўрсатилишини, хорижий му-
тахассисларга мазкур аэропортнинг VIP
зали орқали белгиланган тартибда хизмат
кўрсатилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйи-
ча қўмита Адлия вазирлиги, манфаатдор
вазирлик ва идоралар билан биргаликда
қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб
чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар ки-
ритиш тўғрисидаги тақлифларни икки ой
муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазир-
лар Маҳкамасига киритсин.

19. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадио-
компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот
агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлигига
Ўзбекистондаги Ислам маданияти мар-
казини барпо этиш ва унинг фаолиятини
йўлга қўйиш билан боғлиқ ишларни омма-
вий ахборот воситаларида ёритиб бориш
таъсия этилсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назор-
ат қилиш Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Рес-
публикаси Президентининг Давлат масла-
хатчилари Х. Султонов, Р. Комилов зимма-
сига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 23 июнь

□ Давра суҳбати

Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва
иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан
"Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш,
уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва
экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалала-
ри" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

МАҚСАД – ЭКСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Унда Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Бюджет ва иқтисодий
ислохотлар қўмитаси
аъзолари, тегишли ва-
зирлик ва идоралар раҳ-
барлари, ишлаб чиқа-
риш корхоналари, тад-
биркорлар ва оммавий
ахборот воситалари ва-
киллари иштирок этди.

Тадбирда иқтисодиёт
тармоқларини модерни-
зация қилиш, мамлакат-
мизда яратилган техно-
логияларнинг рақобат-
дошлигини таъминлаш,
замонавий ахборот-ком-
муникация технологияла-
рини жорий этиш, ишлаб
чиқариш қувватларини
ошириш, экспорт қилув-
чи корхоналарни ҳар то-
монлама қўллаб-қувват-
лаш ва ташқи бозорлар-
ни фаол ўзлаштириш
чора-тадбирлари муҳока-
ма қилинди.

Депутатлар ўрганиш-
лар натижаларига асос-
ланган ҳолда ҳудудлар-

нинг ижтимоий-иқтисо-
дий ривожлантириш дас-
турлари ижросини таъ-
минлаш орқали маҳаллий
бюджетнинг даромадлар
базасини мустаҳкамлаш
ва уларнинг субвенция-
га боғлиқлигини кескин
камайтириш, лойиҳалар-
ни молиялаштиришда
имтиёзли банк кредитла-
рини янада кенгроқ жалб
этиш, мавжуд имконият
ва резервларни тўла
ишга солиш лозимлиги-
ни таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга йиғи-
лиш давомида ҳудудлар-
ни субвенциядан чиқа-
риш дастури ижросини
таъминлашга масъул ва-
зирлик ва идоралар
олиб бораётган ишлар
танқидий таҳлил қилин-
ди, мазкур масала юза-
сидан тегишли тақлиф ва
таъсиялар берилди.

Юлдузхон
МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

БЕКОБОДНИНГ БЕК БОЛАСИ

Тошкент шаҳридаги ИНХА университетининг 4-курс талабалари Жанубий
Кореядаги университетда ўқишни давом эттириш учун жўнаб кетишди. Улар
орасида бекободлик Рашид Тожибоев ҳам бор. У компьютер ва дастурий
инжиниринг йўналишида аъло баҳоларга ўқимокда.

□ Офарин!

– Кореяга бориб ўқиш
менга ҳам насиб этгани-
дан хурсандман, – деди
Рашид. – Олдимизда янги
довонлар турибди. У ерда
янги билим ва қўникмалар-
ни олиб қайтаман.
Ўқишни яқунлагач, вилоя-
тимиздаги корхоналардан

бирига ишга жойлашиб,
ахборот-коммуникация
технологиялари ривожига
ҳисса қўишни мақсад
қилганман.
Маълумот ўрнида ай-
тиш жоизки, Рашид Бе-
кобод шаҳридаги 13-
умумтаълим мактабиди

таҳсил олган. Ёшлигидан
математика ва физикага
қизиққан. Мактабдан сўнг
Ислам Каримов номида-
ги Тошкент Давлат поли-
техника университети
қошидаги компьютер тех-
нологиялари академик
лицейида ўқиган. Универ-

ситетнинг олди талабала-
ридан. Ўтган йили "Кафо-
лат" сурғурта компанияси
томонида эълон қилинган
"Энг яхши мобил йовла"
ҳамда "Intellect2all" тан-
ловларида ғолиб бўлган.
Ишланмалари учун Ўзбе-
кистон Республикаси Ах-
борот технологиялари ва
коммуникацияларини ри-
вожлантириш вазирлиги
томонидан таъсис этил-
ган стипендияга ҳам
лойиқ топилган.

Хуррият МҲМИНОВА.

ТУЯНИНГ ДАРОМАДИ ҲАМ ТУЯДЕК

Туя – ноёб жонивор. Табиатан чўл ва дашт
ҳудудларида яшагча мослашган бу жонивор-
лар техника асрига келиб анча камайиб кетган
эди. Аммо, қамб бўлсада, бу мавжудотнинг
фойдали жиҳатлари жуда кўп. Айниқса, туя сут-
и – қимроннинг шифобахш хусусиятлари алоҳи-
да. У юрак-қон томир, жигар, қабзият, ошқо-
зон, қанд касалликларининг оғир кўринишлари-
да самарали даво ҳисобланади.

□ Қишлоқ мулкдорлари

– Аҳолига шифобахш
туя сутини етказиб бериш
мақсадида туячилик
фермаси ташкил этган-
миз, – дейди Ойбек
Ўрмонов. – Қашқадарё-
нинг Косонидан олиб
келинган туялар қисқа
фурсатда бизнинг шаро-
итга ҳам мослашди.
Ҳозир ҳовлимиздаги
фермада 10 дан зиёд
соғин туя ҳамда битта
нортуя боқилмоқда.

Айримларга туячилик
истиқболсиз соҳадек ту-
юлиши мумкин. Аммо,
билиб ишлаганга чорва-
чиликнинг ушбу тармоғи
– нақ ҳазинадир ўзи.
Буни туя боқиб, бири
икки бўлган, рўзгорига
барака кирган оилалар
жуда яхши билади.
Ахир, "сахро кемаси"
дея эътироф этиладиган
бу жониворлар аҳоли-

нинг оғирини енгил
қилиш билан бирга, са-
ноатбоп жун, шифобахш
сут беради. Манбаларда
кейтирилишича, Марка-
зий Осиё минтақасида
одамлар бундан 2 минг
йил муқаддам туячилик
билан шуғуллана бош-
лашган экан.

– Туя сутининг кисло-
талик микдори сигир су-
тига нисбатан анча
юқори бўлиб, узоқ му-
дат сақланиши ва тар-
кибида С, В, РР ва Е
витаминаларнинг кўпи-
лиги, осон ҳазм бўлиши
билан фарқ қилади, –
дейди О. Ўрмонов. –
Шунингдек, ёғ, пишлоқ
ва парhezбop шувот иш-
лаб чиқаришда асосий
хом ашё ҳисобланади.
Жуни эса ҳамиси хари-
дорғир.

Этиборлиси, кейин-



ги пайтда фермер хона-
донига келувчиларнинг
қадами узилмай қолди.
Ҳар кун бу ерга туя сутини
ва қимрон ичиб, дард-
ларига даво топиш
илинжида ўнлаб юрт-
дошларимиз, ҳатто, хо-
рижлик меҳмонлар ҳам
таширф буюради. Чу-
нки, халқ таъбаотида сил,
жигар циррози ва бош-
қа кўплаб хасталиклари
даволашда туя сутини
истеъмол қилиш таъсия
этилади. Туя жунидан
тайёрланган белбоғлар,
кўрпа-тўшаклар эса бел

оғриғи, шамоллаш асо-
ратларидан фориғ эта-
ди. Қишлоқ мулкдори
меҳмонларнинг дардига
дармон бўлайин, дея
елиб-югуришдан чарча-
майди. Чет элликларни
эса тўйда сайр қилишга
тақлиф этади.

Ойбек Ўрмонов Чанг-
тепада биринчилар қа-
тори тадбиркорлик
фаолиятини бошлаган
бўлиб, унинг шоли те-
гирмони, маккажўхори
донини ажратадиган цехи
аҳолига хизмат қилаёт-

ганига ҳам ўн йилдан
ошиб қолди.

Ҳовлидаги иссиқхона-
да 15 минг туп эртапи-
шар ва серҳосил навли
помидор кўчати парва-
ришланмоқда. Хонадон-
да қўйлар, қурка ва Пе-
кин ўрдақлари ҳам
кўпайтирилмоқда. Бу
оилада бекорчи киши-
нинг ўзи йўқ; ота-она ва
7 нафар фарзанднинг
барчаси қизғин меҳнат
билан банд.

Хуришда НАЗАРОВА.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

□ Янги лойиҳалар

Жанубий Корея ҳукуматининг Ўзбекистон-
да замонавий сақлаш технологиялари ёрда-
мида паст ҳароратли камераларни ўрнатиш
лойиҳаси тасдиқланди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДА ЗАМОНАВИЙ
СОВУТИШ ТИЗИМЛАРИ ҚУРИЛАДИ

Мукаммал совутиш
ускуналари Юқори
Чирчиқ туманидаги
Агроинновация корхо-
наси ҳудудида Жану-
бий Кореянинг 3,5
миллион долларлик
грант маблағи хи-

собида бунёд этила-
ди.

Мазкур лойиҳадан
кўзланган мақсад қиш-
лоқ ҳўжалиги маҳсу-
лотларининг сақлаш
муддатини узайти-
риш, деҳқонлар, тад-

биркорлик субъектла-
ри ва фермер ҳўжа-
лиқларига янги имко-
ниятлар яратиб, за-
монавий ускуналардан
фойдаланишларини
таъминлашдан ибор-
ат.

Лойиҳанинг амалга
оширилиши ва озик-
овқат маҳсулотларини
сақлашда совутиш ка-
мераларидан мақсад-
ли фойдаланишни
таъминлаш Қишлоқ ва
сув ҳўжалиги вазирли-
ги зиммасига юкла-
тилган.

Феруза ТҲРАЕВА.

□ Болалар ёзи

Болаларнинг ёзги таъ-
тил кунларини мароқли
ўтказиш, бўш вақтини
тўғри ташкил этиш мақса-
дида умумтаълим мактаб-
лари қошида кундузги
оромгоҳлар фаолияти
йўлга қўйилганидан хабар-
дорсиз.

КУНДУЗГИ
ОРОМГОҲЛАР
ЗАВҚИ

Пискент туманидаги 19-
умумтаълим мактаби қошида
ҳам "Наврўз" номли оромгоҳ
ташкил этилган. Ушбу маскан
раҳбари Саодат Сандибоева,
тарбиячи ва тўғарак раҳбар-
лари 50 нафар ўқувчининг
кўнглини дам олиши учун
ҳаракат қилмоқда. Шинамги-
на мактабда ташкил этилган
оромгоҳда болажонларнинг
мазмунли ҳордиқ чиқариши
учун ётоқхона, ўйин майдон-
чалари, турли машғулотлар
ўтказиш учун алоҳида хона-
лар ажратилган. Барча шарт-
шароит муҳайё этилган мас-
канда икки маҳал енгил овқат
берилади.

Бу ердаги мўъжаз кутубхо-
нада китобсевар ўғил-қизла-
римиз газетга, журнал ва ба-
дий китобларни мут

□ 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Аслида, журналистнинг ҳар бир чиқиши бир кўнглик чироқ ёмаса, "бу шарофатли касбнинг эгаси" деганимиз бекордир. Шу маънода, аввал халқ таълими соҳасида, кейинчалик салкам ўттиз йил давомида туман газетасида муҳаррирлик қилган ижодкор М. Самадовни том маънода журналистликни улуғлаб ўтди, дейиш мумкин. Ўз касбига меҳр-муҳаббат, садоқат туйғули тақдир эътиқолини мардондор енга олди, ўзгалар дардини ҳам ўзиникидай юрагидан ўтказди, ижоди билан муҳлислари қалбидан жой олди.

Мажид отанинг набираси Жаҳоҳир Озодов бобоси ҳақида тўққизинчи сўзлайди. – Бобомнинг айна йиғитлик чоғлари жангу жадаллар гирдобидан ўтган, – дейди Жаҳоҳир. – Шунданми, ижоднинг асосий қисми дахшати уруш мавзусига бағишланди, унинг жабрдий-далаларига умрининг охиригача ҳамдард бўлган, "Карим партизан", "Жасорат саҳифалари", "Қасоскорлар", "Жангомага айланган сатрлар", "Элик баҳодир", "Пискентлик баҳодирлар", "Навечно в памяти" каби

асарларини ёзган. Бу китобларни қайта-қайта ўқир эканман, уруш воқеалари кўз олдимдан кино тасмасидек ўтаверади, унинг қаҳрамонлари билан ёнма-ён жанг қилгандек бўлавераман. "Бунинг боиси отамизнинг

монликларини ҳикоя қилиш билан бирга қаҳрларини излаб, топишга ҳаракат қиларди. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида 34 минг жангчининг дафн этилган жойи аниқланди. 6 минг 700 кишининг жасорати ҳақида

ҳикоя қилувчи расмий ҳужжатлар тўғрисида, шунингдек, 200 кишининг ўзига ҳам номаълум бўлган орден ва медаллари борлиги нафақат уруш қатнашчиларини, уларнинг оила аъзоларини ҳам қувонтирди...

Мухтасар айтганда, минглаб ўқисик қалблар дардига малҳам бўлган, тиниб-тинчимас журналистнинг саъй-ҳикоя қилувчи расмий ҳужжатлар тўғрисида, шунингдек, 200 кишининг ўзига ҳам номаълум бўлган орден ва медаллари борлиги нафақат уруш қатнашчиларини, уларнинг оила аъзоларини ҳам қувонтирди...

Эсимда, "Суръат" (ҳозирги "Юқори Чирчиқ ҳаёти") туман газетасида "Хаваскорларнинг шеърларини ўқиб" руқни остидаги обзорда шундай фикр билдирилган: "Кавардон кишлоғида Латифжон Мансуров болаларга бағишланган шеърларида жозибали мисралар тузишга, кичкинтойлар руҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади..."

Уша обзордан сўнг унинг кичик-кичик мақолалари газета саҳифаларида тез-тез кўринадиган бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай, аввал туман, сўнг "Тошкент ҳақиқати" вилоят газеталарининг энг фаол муаллифларидан бирига айланди.

У улуг адиб Ойбекнинг ижодига жуда қизиқарди. Шу боис, ёзувчининг Кавардон кишлоғига ташрифлари ҳақида хотиралар ёзди ва кавардонлик марҳум адиб Ҳамид Муродга кўрсатди. Кейинчалик бу хотиралар икки китобга ж бўлди.

Ҳозирги кунда Латифжон Мансуров кўплаб китоблар муаллифи. "Ҳамқишлоқларим" деган достонининг бир бобини шу укамга бағишлаганман. Шунинг билан илҳим: Мана бугун шодман. Сиз шерик бўлинг! Қалбимда зўр шуур, сурур, ҳам ғурур. ...Ушмома аъзоси икки адибнинг, Жамолитдин Абди, Латифжон Мансур.

Охири етдикми шу кунларга ҳам, Ҳамид Мурод ва мен етмаган орзу. Бутун Кавардон қувонди шу дам, Интиланг толе ёр... Бўлар экан-ку...

О, ҳали шодлигим дилда сўнмасдан, Шодликка яна бир қувонч уланди. Шогирдим Латифжон, сенга ҳавасдан, Кейинги умримга ишонч уланди.

Тўй бўлиб кетди-ку, бутун кишлоқда, Кўксингни беэмиш "Дўстлик" ордени. Ҳаммадан ўздин-ку, гўё улқоқда, Тиниб тинчмаган ў, укам мени...

Ҳа, укажоним, эшигимдан янги-янги асарлар кўтариб кириб келавер...

– Битта кўриб беринг...

Сен ёзишдан, мен эса кўриб беришдан чарчамайлик.

Собир ОЛИМЖОН,
шоир.

Кавардон кишлоғи.

□ Жараён

Мамлакатимизда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга тежамкор технологияларни кенг жорий этиш иқтисодий дастурларнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Йирик sanoat ва ишлаб чиқариш корхоналарига четдан келтириладиган қурилма, ускуна ва эҳтиёт қисмлар ҳамда технологик ҳужжатларга давлат раҳбарининг тегишли қарори билан 2020 йилгача божхона имтиёзлари қўлланиши ҳам ана шу мақсадга хизмат қилувчи ислохотлар сирасидандир.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажминини қисқартириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этишга қаратилган кўплаб қонуности ҳужжатлар қабул қилинаётган. Улар асосида бугун иқтисодиётнинг йирик тармоқлари ҳамда иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан энергия сарфини қисқартириш бўйича кенг қўлмалли лойиҳалар рўйбга чиқарилапти. Бундай саъй-ҳаракатлар йилига бир неча юз миллион куб метрлаб табиий газни иқтисод қилиш имконини яратиши билан аҳамиятлидир.

Айниқса, иссиқлик таъминоти корхоналарига қарашли қозонхоналарда кенг қўлмалли модернизация ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, марказлашган ва локал қозонхоналарни реконструкция қилишга катта аҳамият қаратилиб, бу ишга салмоқли маблағлар йўналтириляпти. Шу билан бирга, таълим, соғлиқни сақлаш ташкилотларининг ҳам иш муддатларини ўтаб бўлган ҳудуди шундай қурилмалари замонавий иссиқлик узатиш мосламаларига алмаштириляпти. Қувонарлиси, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарасида аҳолида ўз хонадонларидаги ностандарт маиший қозонларни замонавий, энергия тежовчи иситиш жиҳозларига алмаштириш иштиғи пайдо бўлмоқда. Бугун ҳар бир маҳаллада кўплаб хонадонларда ана шундай замонавий иситиш агрегатларидан фойдаланилаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Энергия ресурсларини тежаш борасида гап кетганда, яна бир жиҳатга эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Айни пайтда йирик корхоналарда энергия ресурсларини тежаш имкониятлари, иқтисод манбаларини аниқлаш мақсадида энергоаудит тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида, тежамкорлик борасида қўшимча имкониятлар яратиши аниқ.

Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, миллий бойлигимиз, давлатимиз иқтисодий салоҳиятининг мезонлари бўлган энергия ресурсларини тежаш, улардан мақсадли фойдаланиш, бу бебаҳо неъматларни келажак авлодларга ҳам етказиш ҳар биримизга дахлдор вазифадир.

Мурод УМАРХОНОВ,
"Ўздавнефтегазиспекция" ҳудудий бўлими етакчи мутахассиси.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Бозор иқтисодиёти кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш ва сақлаш муаммоларини тезда ҳал қилишни тақозо этади. Хусусан, омборхоналардаги озиқ-овқат маҳсулотлари замбуруғлар туйғули нобуд бўлмоқда. Бу борада қатор тадқиқотлар ўтказилди. Боғдорчилик билан шугулланувчи ҳудудларда олми чиритувчи замбуруғларнинг 34 тури аниқланган.

□ Мутахассис тавсия этади

Омборхонада сақланаётган Gelderkostlicher навли олма 3 йил давомида март, апрель ва май ойларида текширилганда, чириган мевалардан асосан Penicillium, Botrytis ва Monilia туркумига кирувчи замбуруғ турлари ажратиб олинган.

Тадқиқотчилар меваларнинг узоқ сақланиши унинг сифати, уринтирмасдан омборхонага қўйилиши ва фунгицидлар билан ишлов берилишига боғлиқ, деган ҳулосага келганлар. Омборхонада сақлашда, турли касалликларга чидамлилиги ва сақлаш шaroити ўрганилиб, паст ҳарорат патоген микроорганизмларнинг ривожланишини тўхтатиб, меваларни сақлаш муддатини узайтириши аниқланган. Лекин, паст ҳароратда совуққа чидамли меваларгина сақланади.

Ҳаво таркиби меваларни узоқ сақлашнинг асосий омиллардан биридир. Унинг таъсирида айрим патогенлар секин ривожланади.

Ўсиш даври ва омборхона шарoитида ноксинг эпифит микрофлораси ўрганилганда, 40 дан ортиқ замбуруғ турлари ажратиб олинди. Уларнинг кўпи сапрофитлардир. Лекин, ўсиш ва омборхонада сақлаш даврида замбуруғлар турли касалликларни кўзғатди.

Ўтказилган тажрибалар чоғида 0,025 фоизли байлетон, 0,13 фоизли топсин – М, 0,2 фоизли фадеморф фунгицидлар узумни замбуруғ ва функционал касалликлардан асраган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, узумни омборхонага қўйишдан олдин улардаги замбуруғ турлари сақлаш давридаги нисбатан кўп бўлган. Шу жумладан, узумни фунгицидлар билан қайта ишлашдан олдин ҳам шундай ҳолат қузатилган.


Омборхонадаги мева ва сабзавотларда касалликларни асосан замбуруғлар кўзғатиши аниқланди. Замбуруғларга қарши курашда уларнинг таркибини билиш муҳим ўрин тутди. Захирга олинган мева-сабзавотларни турли замбуруғлардан ҳимоя қилиш эса, бозорларимизда сероблик, дастурхонда тўқинлик бўлишини англатади.

Жасур МУРАТОВ,
Тошкент юк саройи инспектори.

□ Томорқа – ҳазина

РЎЗҒОРДАН ОРТГАНИ – БОЗОРГА

Илгаридан шундайки, Паркент номи тилга олинганда, одамнинг кўз олдида эғнида ятак, белида кўш белбоғ, қўлида тоққайчи, мошгучу соқолли миришкор боғбон соҳибкорлар, ширин-шакар мевалар, шираси томоқни оладиган узумлар келади. Мустақиллик шарофати билан кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликка кенг йўл очилганидан кейин паркентлик ишбилармонларнинг омадлари янада юришиб, даромадларига барака инди.



– Биз "Чарос" деймиз, аммо сотиб олгани келганлар "Бъичий глаз" дейишаркан, – дея изоҳ беради ота тили бир оз келишмай.

"Чарос"нинг тупини эринмай санадик – нақд 40 та экан. Биронинг даромадини ҳисоблаш тўғрима-ку-я, аммо-лекин, ота-

хон шу гилосларни охиригача йиғиштириб сотсалар, "асақалик" жийронтойлардан бирини "етақлаб келиб", дарвозахонага обкириб қўйишларига бемалол етди-ёв... Яна 20 туп олманинг ярми

"Семиренко", ярми "Голден" – ҳосили қачимас. Ёнғоқ, шафтоли, ҳатто, 5 туп лимон ҳам бор.

Реклама ва эълонлар

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2017 йил 26 июль соат 10.00 да очик тендер ўтказилади

1. ШИ-2 й.т. "ЧКСМик – 2-кичик ноҳия" (Чирчиқ ш.)
2. ВХ-434 "Тўйтепа АББ – Охангарон АШБ"
3. ВХ-222 "Ўзодбош кишлоғи – "Сергели" МФЙ"
4. ВХ-662 й.т. "Бўқа АШБ – Окқўрғон АШБ (Б. Умаров ва Рамазон ҚФЙлар орқали)"
5. ВХ-540 й.т. "Кўшқўрғон кишлоғи – Чирчиқ АББ"
6. ШИ-25 й.т. "Чинор" маҳалласи – Айланма" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
7. ШИ-6 "ДЕПО – Аммофос ОАЖ" (Олмалик ш.) (такрорий)
8. ВХ-320 й.т. "Олмалик АШБ – Эйвалек қўрғони" (такрорий)
9. ВХ-616 й.т. "Бўқа АШБ – Олмалик АШБ (Сувчи орқали)" (такрорий)
10. ВХ-638 й.т. "Беқобод АББ – Галаба ф/у" (такрорий)
11. ВХ-639 й.т. "Навоий ф/у – Беқобод АББ" (такрорий)
12. ВХ-640 й.т. "Зафар АЧСБ – Беқобод АББ (232-ликкет орқали)" (такрорий)
13. ВХ-475 "Ғиштқўприк" маҳалласи – Шахристон" (такрорий)
14. ШИ-6 "Ангрен деҳқон бозори – Олтин саралаш фабрикаси" (Ангрен ш.) (такрорий)
15. ШИ-18 "Тоҳир дўқони – Ангрен кўмир қони" (Ангрен ш.) (такрорий)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарорларига асосан, очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер тақлифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Тендер қатнашчиси айна битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга тақлиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимиятининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 7-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер

Тендер ўтказиш манзили:
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 7-уй.
Маълумот учун телефон:
(+99871) 279-39-22.

Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан, Тошкент вилояти Ҳўжалик суди томонидан 2017 йил 11 майда 11-1706/6703-сонли ишнинг қарорига асосан "Oxangaron Bars Trans" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шахарда энгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 001112 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилди.

О'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Расул Қўшербоевга волидаи муҳтарамаси
ГУЛЧЕХРА аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навсий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 21.00. Босишга топширилди - 22.30